

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ,
РЕГУЛИРУЮЩИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АГЕНТСТВА ПО РАЗВИТИЮ
САДОВОДСТВА И ТЕПЛИЧНОГО ХОЗЯЙСТВА ПРИ МИНИСТЕРСТВА
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

г. Ташкент,

11 июня 2019 г.,

№ 481

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ХЎЗУРИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
НORMATIV-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида» 2019 йил 20 мартағи ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги түғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси түғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 июнь,
481-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва
иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги түғрисида**

**НИЗОМ
1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисбот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифаларини белгилайди.

2. Агентлик боғдорчилик соҳаси ва иссиқхона хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштиришга ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга, шунингдек, замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар етиширишга масъул давлат органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳисбот беради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруқларига, ушбу Низомга, халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат ташкилотлари билан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тузилган битимларга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

5. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобрақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобрақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга эгадир.

6. Агентлик ўз фаолиятини амалга оширишда Корақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги бўйича бўлимлари (секторлари) ва мутахассислари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарлик қиласди.

7. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида — The Agency of Horticulture and Greenhouse Development under the Ministry of Agriculture of the Republic of Uzbekistan;

в) рус тилида — Агентство по развитию садоводства и тепличного хозяйства при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан.

8. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-йй.

2-боб. Агентлик тузилмаси

9. Агентлик тизимиға:

Агентлик марказий аппарати;

Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти киради.

3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий ресурстежамкор технологияларни, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, мева маҳсулотлари турларини кўпайтириш чораларини кўриш;

ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларига халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этишда қўмаклашиш;

мева маҳсулотларини этиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва сотишнинг бутун занжирини ўз ичига олган кластер шаклини ташкил қилиш ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;

бозорлар конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш йўли билан рақобатбардош маҳсулот этиштириш, уни сотишни ташкил қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;

ташки бозорларда талаб юқори бўлган мева навларини жойлаштириш ва этиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари соҳасида мутахассисларни ўқитиши, уларнинг малакасини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва жорий этиш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, соҳага ихтисослашган хорижий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда боғлар ва иссиқхона хўжаликлари майдонларининг электрон реестрини юритиши.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишини узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишида иштирок этади;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш соҳасида устувор аҳамиятга эга бўлган инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантиришда иштирок этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари билан биргаликда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қисқа ва ўрта муддатли комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига ушбу дастурларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритади.

б) замонавий ресурстежамкор технологияларни, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини

ҳисобга олган ҳолда, мева маҳсулотлари турларини кўпайтириш чораларини кўриш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимларни билан биргаликда мавжуд мевали боғлар ва иссиқхона хўжаликларини хатлови натижаларига асосланиб, эски боғ ва иссиқхоналарни реконструкция қилиш ҳамда яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз боғ ва иссиқхоналар ўрнида янги интенсив боғлар ва иссиқхоналарни ташкил этиш бўйича таклифлар киритади ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади;

янгидан ташкил этилган боғлар ва иссиқхоналарнинг аҳволи, улардан самарали фойдаланилаётганлиги, агротехник меъёр ва қоидаларга риоя этилаётгани, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилаётганлиги бўйича мониторинг қилиб боради, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган мева маҳсулотларининг ҳажми ва қийматини умумлаштириб таҳлил қиласи;

ишлаб чиқариш жараёнига интенсив, ресурстежамкор технологияларни татбиқ этилишини инобатга олган ҳолда боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари фаолиятига баҳо беради;

ресурсстежамкор технологияларни қўллаган ҳолда, ташки бозорларда талаб юқори бўлган юқори ҳосилли мева навларини этиштирадиган боғ ва иссиқхоналарни яратишга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш ишларини ташкил этади.

в) худудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигига илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиялардан кенг фойдаланишини ташкил этиш соҳасида:

мева маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ташки бозорларда юқори талабга эга бўлган, худудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос келадиган мевалар навларини жойлаштириш бўйича Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритади;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигига ресурстежамкор технологияларни ҳамда механизациялаш даражасини ошириш чоралари ҳақида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва вилоят ҳокимларига киритади.

г) «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларига халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш соҳасида:

ташки бозорларда мева маҳсулотларига ва қўчатларига қўйиладиган сифат ва техник талабларни ҳисобга олган ҳолда боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларига халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этишда кўмаклашади;

ички ва ташки бозорларда мева маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш мақсадида жаҳон миқёсида тан олинган халқаро стандартлар (organic, Global GAP кабилар) талабларига жавоб берадиган маҳсулот сифатини баҳолаш тизимларини, сифат менежменти тизимларини жорий этишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашади. Ушбу йўналишда хорижий компаниялар ва илмий-текшириш, консалтинг хизматлари кўрсатувчи институтлар билан ҳамкорлик қиласи;

д) мева маҳсулотларини этиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотишнинг бутун занжирини ўз ичига олган кластер шаклини ташкил қилиш ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермер хўжаликлари билан биргаликда етиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотишни қамраб оладиган кластерлар ва кооперацияни ташкил этиш жараёнида иштирок этади;

бозорлар маркетинги ва мевалар экспорт географиясини ҳисобга олган ҳолда, мева маҳсулотларини етиштириш, уларга ишлов бериш ва қадоқлаш, сақлаш, қайта ишлаш, уларнинг экспорти ва логистикасини самарали ташкил этиш бўйича замонавий услуг ва технологиялар асосида семинар ва тренингларни ташкил этади;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини юритадиган фермер хўжаликларни рағбатлантириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар бериш, ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини, шу жумладан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ривожлантириш бўйича меъёрий-хукуқий хужжатларни, концепцияларни, стратегия ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиша иштирок этади.

е) бозорлар конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш йўли билан рақобатбардош маҳсулот етиштириш, уни сотишни ташкил қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш соҳасида:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигида инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш мақсадида ҳалқаро молия институтлари ва ҳалқаро хукumat молия ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари ва техник кўмак маблағлари (грантлар)ни жалб этишда иштирок этади;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш учун ўқув курсларига чет эл мутахассислари ва консультантларни жалб қиласди;

мева ва иссиқхона маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ташки бозорлардаги ўрнини муносиб таъминлаш ҳамда янги салоҳиятили бозорларини топиш мақсадида мева маҳсулотлари ташки бозорларининг маркетинг таҳлилини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот етиштириш салоҳиятини намоён этиш, мева маҳсулотларини импорт қилиш салоҳиятига эга хорижий ҳамкорлар билан шериклик алоқаларни ўрнатиш мақсадида ихтисослашган миллий ва ҳалқаро ярмарка ва кўргазмаларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишида иштирок этиш;

мева маҳсулотларини етиштириш ва сотишнинг илгор технологияларини жорий этиш мақсадида мева маҳсулотларини етиштириш ва сотища етакчи бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганади ва натижаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

ё) ташки бозорларда талаб юқори бўлган мева навларини жойлаштириш ва етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши соҳасида:

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташки бозорларда меваларга бўлган талабларини ўрганади ва таҳлил қиласди;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва фермер хўжаликларига талаб юқори бўлган меваларнинг тур ва навларини ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олиб жойлаштириш тўғрисида тавсия беради;

экспортбоп мева турларини ресурстежамкор технологиялар асосида етишириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади ва жойларга етказилишини тъминлайди;

ж) боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари соҳасида мутахассисларни ўқитиши, уларнинг малакасини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва жорий этиш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, соҳага ихтисослашган хорижий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва унинг тизимида ташкилотлар базасида боғдорчилик ва иссиқхоначилик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўкув курсларини ташкил қилади;

Агентликка юклатилган вазифалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигида инновацияларни ривожлантириш ва жорий этиш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, соҳага ихтисослашган ишлаб чиқарувчи хорижий ташкилотлар ва компаниялар билан ҳамкорлик қилади;

з) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда боғлар ва иссиқхона хўжаликлари майдонларининг электрон реестрини юритиш соҳасида:

боғ плантациялари ва иссиқхона хўжаликларини идентификациялаш ягона электрон реестрини шакллантиради ва доимий равишда янгилаб боради.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан сўраш ва олиш;

давлат статистика органларидан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик маълумотларни бепул асосда олиш;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликларини жалб этиш;

хорижий давлатларнинг соҳага оид ташкилотлари билан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш ва шартномалар тузиш;

халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молия ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари ва техник кўмак (грантлар) хорижий компаниялар маблағларини ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағларини Агентлик фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти моддий-техника базасини шакллантириш ва ривожлантиришга жалб этиш;

илмий, консалтинг ва аудит ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан, чет эл олимлари ва мутахассисларини Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишга шартнома асосида жалб қилиш;

Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича хорижий инвесторлар, компаниялар, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари, ҳалқаро молия институтлари ва ҳалқаро хукумат молия ташкилотлар билан учрашувлар ўтказиш, музокаралар олиб бориш ва ёзишмалар юритиш;

битим ва келишувлар асосида жисмоний ва юридик шахслар билан боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш;

малакали, шу жумладан чет эллик, мутахассисларни жалб этган ҳолда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, унинг бўлинмалари, илмий ва тажриба станциялари базасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ўқув курсларини ташкил қилиш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда тадбиркорлар учун Ўзбекистон Республикасида ва хорижда тренинглар, семинарлар ва бошқа таълим дастурларини ташкил этиш;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида жорий ва стратегик вазифалар, олиб борилаётган ишлар ва эришилган натижаларни ёритиш, услугубий қўлланмалар ва буклетларни нашр қилиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ҳамда режалаштирилаётган лойиҳалар бўйича тақдимот ва конференциялар ташкил этиш;

Агентликнинг шўъба корхоналарини очиш ҳамда ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва товар сотишдан комиссия шаклида даромад олиш;

биноларга хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техникани харид қилиш, сақлаш ва эксплуатация қилиш, турли жиҳозлар, дастурий таъминот ҳамда Агентлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа товарларни харид қилиш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш.

13. Агентлик:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали амалга оширилиши;

норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг топшириқларини ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради.

5-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш

14. Агентликка Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошчилик қиласи.

15. Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенгглаштирилади.

16. Агентлик директорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор ўринбосарига эга.

Директор вақтинча бўлмаган вақтларда унинг вазифаларини директор ўринбосари бажаради.

17. Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, шунингдек халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молия ташкилотларнинг қоидалари ва процедураларига мувофиқ ҳисоб юритади ва ҳисобот беради.

6-боб. Агентлик раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка қонун хужжатлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган ҳамда халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молия ташкилотлари билан тузилган битимларда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишни ташкил этиш;

ўзининг ўринbosари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатлари ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда киритиш учун норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўз вақтида киритишини ташкил қилиш;

Агентликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни қонун хужжатларида назарда тутилган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасида хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 авгуустдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларини амалга ошириш ва ташкил қилиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш ҳамда сафар харажатларига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўз ўринbosари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам равишида ўтказиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини Агентлик мажлисларида эшлиши, якунлар бўйича зарур чоралар кўриш;

ўз ўринbosари ва Агентлик ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида келгусида бўлиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

Агентлик ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини қабул қилиш, шунингдек, хуқуқни кўллаш амалиёти ва қонун хужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш;

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шу жумладан, Агентликнинг ахборот тизими самарадорлиги ва сифатини ошириш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишини ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойнинг ўзига чиқиб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Ғармонига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган барча мурожаатларни ўз вактида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ва маҳфий маълумотлар сирасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тушиши ва ишлатилишини назорат қилиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган шартномалар ва битимлар тузиш;

Жамғарманинг олдин берилган маблағлари бўйича, шу жумладан, шартнома шартларини қайта тузиш ва узайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставлари, низомлари, лавозим йўриқномалари ва Агентликнинг бошқа локал хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, Агентлик марказий аппарати, Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори ва унинг ўринбосарини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, институтнинг илмий-тажриба станциялари директорларини лавозимга тайинлашини келишиш;

Жамғарманинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига боғдорчилик ва иссиқхона соҳасида хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик, идоравий мансуб ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, белгиланган тартибда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Агентлик марказий аппарати, идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилма ва штат жадвалларига ўзгартиш киритиш юзасидан белгиланган ходимлар сони ва

мехнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига таклифлар киритиш.

Агентлик директори қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

19. Қуидагилар Агентлик директори ўринbosарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита раҳбарлик қилиш, улар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил қилиш;

директорнинг бўйруқлари ҳамда топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, марказий аппарат ва таркибий бўлинмалар раҳбарларининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

кадрлар захирасини шакллантириш, кадрларни танлаш ва жойига кўйиш бўйича директорга таклифларни тақдим қилиш, уларнинг касбий маҳорати, амалий тажрибаси, маънавий-маърифий сифатларининг ошириши ва самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Агентлик ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

ходимлар, жумладан мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилиш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентликнинг боғдорчилик ва иссиқхоначилик соҳасидаги фаолиятини тақомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш, ушбу соҳада қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича директорга таклиф киритиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида келгусида бўлиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларга юклangan вазифалар ва функционал вазифалар бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлашни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлаш.

Директор ўринbosари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

7-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

20. Агентлик директори:

Агентликка юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши;

Жамғарма маблағлари мақсадли сарфланиши;

ушбу Низомнинг **11-бандида** кўрсатилган Агентликнинг функционал вазифалари тўлиқ бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг **18-бандида** кўрсатилган ўзининг функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

21. Агентлик директори ўринбосари:

мутасаддилк қилинадиган таркибий бўлинмаларда Агентликка юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши;

ушбу Низомнинг **11-бандида** кўрсатилган Агентликнинг функционал вазифалари тўлиқ бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг **19-бандида** назарда тутилган ўзининг функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

8-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлар

22. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги жиҳатдан мунтазам равишда баҳоланади.

23. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларга асосланади.

24. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуидаги чоралар кўрилади:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

9-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

25. Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбаларига қуидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (карз маблағлари) ва грантлари;

Ўзбекистон Республикаси резидент ва норезидентлари — жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган хайрия маблағлари;

вақтингчалик бўш маблағларни банк депозитига қўйиш ҳисобига олинадиган фоиз кўринишидаги тушумлар;

шартнома асосида хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

Агентлик қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамгармаси маблағлари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

26. Агентлик миллий валютада маҳсус талаб қилингунига қадар депозит ҳисоб рақамлари очади, унга фаолиятнинг ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, Агентлик мол-мулкларини ўрнатилган тартибда сотишдан, тузилган шартномалар доирасида жарима санкцияларидан, суғурта тўловларидан тушган тушумлар, бўш маблағларни вақтинча депозитларга жойлаштиришдан олинган даромадлар, хайрия маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан туширилади.

Мазкур хисобрақамидаги маблағлар Агентлик томонидан белгиланган тартибда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни моддий рағбатлантиришга, вакиллик харажатларига, халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молия ташкилотлар вакилларини, чет эл делегацияларини қабул қилиш харажатларига ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирилади.

Ушбу маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик директор зиммасига юкландади.

27. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган Агентликнинг жалб этилган ходимлари, эксперtlари ва маслаҳатчилари хизматларига тузилган контрактлар шартларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

28. Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

29. Агентлик ходимларига лавозим маошининг 200 фоизи микдоригача устамалар белгиланиши мумкин.

30. Рағбатлантирувчи устама ва қўшимча тўловлар Агентлик директори томонидан имзоланадиган жамоа келишуви ва меҳнат шартномаларга мувофиқ тўланади.

10-боб. Яқунловчи қоида

31. Агентлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қоидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) бошқариш тартибини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан юридик шахс ташкил қиласдан қуидаги мақсадларда ташкил этилган:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек уларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-куватлаш;

Агентликнинг марказий аппарати таъминоти ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

Агентлик марказий аппаратининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш.

3. Жамғарма фаолияти ушбу Низомга **1-иловага** мувофиқ тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва

иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан бошқарилади ва назорат қилинади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Жамғарма маблағлари қуидаги манбалардан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН коди 07 ва 08 бўлган товар гурухлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан тушган божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йигимлар бундан мустасно) суммасининг 10 фоизига тенг миқдордаги ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг очик савдоларида сотилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосидан ошган сумманинг 50 фоизи;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (карз маблағлари) ва грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Жамғармага мажбурий ажратмаларни ўз вактида юбориш учун шахсий мастьулият Жамғармага ажратмаларни амалга оширувчи ташкилот раҳбарлари зиммасига юкланди.

5. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш учун мазкур Низом 4-бандининг иккинчи ва учинчи [хатбошиларида](#) белгиланган манбалардан ажратиладиган маблағлар Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамғарилади.

Бошқа маблағлар Жамғарманинг Агентлик томонидан тијорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган маҳсус ҳисобракамларида жамғарилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

6. Жамғарма маблағлари қуидаги мақсадлар учун сарфланади:

а) боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш;

б) қуидаги мақсадлар учун субсидиялар бериш:

бир гектар экин майдонига томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш асосидаги сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш учун 6 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда;

майдони 35 гектардан зиёд боғларда сув чиқариш учун бурғиланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш учун 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда.

Агар шартномада сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга, бурғиланган қудук ва сувни тортиш учун насос станциясини қуришга сарфланган харажат мазкур кичик бандда белгиланган суммадан кам бўлган тақдирда субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади.

в) Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг марказий аппарати таъминоти учун корпоратив банк пластик карточкаларидан фойдаланиш, ходимларнинг хизмат сафарлари бўйича харажатларни молиялаштириш, шу жумладан, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, қўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа тўловларни амалга ошириш;

г) боғдорчилик ва иссиқхоначилик соҳасига хорижий мутахассислар ва консультантларни жалб этиш, шунингдек, Агентлик ходимлари, боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари эгаларини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

д) мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мева ва иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотлар, шу жумладан, ушбу маҳсулотларини танишириш бўйича конференциялар, семинарлар, тренинглар, маҳорат дарслари, фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, ушбу тадбирларда, шу жумладан, чет элда ўтказиладиган боғдорчилик ва иссиқхоначилик соҳаси корхоналари иштирок этишида кўмаклашиш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

е) маҳаллий ташкилотлар ва халқаро ташкилотларда аъзолик бадалларини ва бошқа бадалларни тўлаш;

ж) илмий-техник ва илмий-методик адабиётлар (шу жумладан, даврий нашрлар, эълонлар, рисолалар, буклетлар, китоблар, тўпламлар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар)ни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари соҳасида видеороликлар ва тақдимот материалларини яратишга сарфланган харажатларни молиялаштириш;

з) илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек, илмий ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан боғдорчилик ва иссиқхоначилик соҳасида нормалар, регламентлар ва қоидалар ишлаб чиқилишини молиялаштириш.

Жамғарма маблағлари Агентликнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбирларни ўтказиш учун хам сарфланиши мумкин.

7. Субсидияларни ажратиш сув тежовчи сугориш технологияларини жорий этиш, яратилаётган боғ ва иссиқхоналарда сув чиқариш учун бурғиланган кудук ва сувни тортиш учун насос станциясини қуриш ҳолати бўйича амалга оширилади.

Мазкур ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган Паҳта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг **6-бандига** мувофиқ таркибдаги фойдаланишга топшириш бўйича комиссиянинг далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

8. Жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Кенгаш томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

9. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметаси келгуси йилда кутилаётган молиявий маблағлар тушуми прогнози (2019 йил учун — жорий йилда кутилаётган молиявий маблағлар тушуми прогнози) ва тадбирларни ўтказиш режасидан келиб чиқиб тузилади.

10. Жамғарма маблағлари ҳисобидан мазкур Низом 6-бандининг **«б» кичик бандида** назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун лойиха ташаббускорлари томонидан Агентликка белгиланган шаклдаги буюртманомалар тақдим этилиши лозим.

11. Буюртманомаларни қабул қилиш ва умумлаштириш, Жамғарма кенгашининг қарорига асосан даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини тузиш ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш Агентликнинг бош ҳисобчиси ва унинг ўринбосари томонидан олиб борилади.

12. Кенгаш:

ушбу Низом 6-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган мақсадлар учун маблағлар ажратилиши юзасидан келиб тушган буюртманомаларни кўриб чиқади ва умумлаштиради;

қабул қилинган буюртманомалар орасидан энг устуворлари ва асосланганларини танлаб олади ҳамда маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қиласди;

ушбу Низом 6-бандининг «б» кичик бандига мувофиқ белгиланган йўналишлар доирасида маблағлардан фойдаланиш учун энг устуворларини танлайди;

буюртманомалар асосида ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда молиялаштиришни тўхтатади ва ажратилган маблағларни ундириш чораларини кўради;

Жамғарма фаолиятига оид бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

13. Кенгашнинг субсидияларни тақдим этиш тўғрисидаги ижобий қарори Жамғарма маблағларини ажратиш учун асос ҳисобланади.

Кенгаш мажлислари бир ойда камида бир маротаба ўтказилади.

Агентлик Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади, унинг вазифалари ва функциялари Кенгаш томонидан белгиланади.

14. Агентлик директори:

Жамғарма маблағларини ушбу Низомга ҳамда Жамғарманинг прогнози ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этади ва унинг маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиши учун жавоб беради;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган товарларни (ишлар ва хизматлар) харид қилиш учун шартномаларни тузади;

Жамғарма томонидан молиялаштирилган маблағлар бўйича, шу жумладан, шартнома шартларига қўшимча киритиш, тўлдириш, амал қилиш муддатини ўзгартириш (узайтириш) бўйича қарорларни қабул қиласди;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисоби юритилишини, Жамғарма маблағларидан ушбу маблағларни олувчилар томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш мониторингини таъминлайди;

Жамғарма кенгашига Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини бажариш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим қиласди;

ўз ваколати доирасида бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

4-боб. Лойиҳаларни субсидиялар ҳисобига молиялаштириш тартиби

15. Лойиҳаларни субсидиялар ҳисобига молиялаштириш тартиби ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

16. Субсидия маблағларини олиш учун лойиҳа ташаббускори Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қўйидаги хужжатларни тақдим қиласди;

юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукукий шакли, почта манзили, сўралаётган маблағ мақсадлари, лойиҳани амалга ошириш жойи, банк муассасаси номи ва банкдаги ҳисобрақами кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

интенсив боғ ва иссиқхона барпо этиш учун ер участкаси мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат;

таъсис хужжатлари нусхалари (устав ва/ёки таъсис шартномаси) (фермер ва дехқон хўжаликлари бундан мустасно) ва давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда лойиҳа бўйича маълумот;

харажатлар сметаси ва молиялаштиришнинг қўшимча манбалари (бундай манбалар мавжуд бўлганда) ва лойиха бўйича бошқа маълумотлар.

Лойиха ташаббускоридан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

17. Лойиха ташаббускорлари томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар ушбу Низом талабларга мувофиқлиги юзасидан улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ўрганиб чиқилади.

Тақдим қилинган ҳужжатларда хато ва/ёки камчиликлар аниқланганда Агентлик лойиха ташаббускорини бу ҳақда хабардор қиласди.

Лойиха ташаббускори томонидан хато ва/ёки камчиликлар Агентлик хабардор қилгандан сўнг етти кун мобайнида бартараф қилинмаган тақдирда ҳужжатлар лойиха ташаббускорига қайтарилади.

18. Лойиха ташаббускори томонидан субсидияларни олиш учун тақдим қилинган, ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатлар Агентлик томонидан Кенгашнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

Тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Кенгаш субсидияни бериш ёки беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

19. Агентлик лойиха ташаббускорини қабул қилинган қарор ҳақида у қабул қилингандан сўнг бир иш куни мобайнида хабардор қиласди.

20. Кенгаш томонидан субсидияни бериш тўғрисида қабул қилинган қарор асосида лойихани амалга ошириш учун Агентлик ва лойиха ташаббускори ўртасида субсидия ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

Субсидиялар берилиши ушбу Низомнинг [7-бандида](#) назарда тутилган шартлар бажарилгандан сўнг бир ойлик муддатда амалга оширилади.

21. Субсидия лойиха ташаббускорларининг тижорат банкларида очилган маҳсус 22626 ҳисобваракларига (корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

5-боб. Субсидия олувчининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби

22. Янги интенсив боғ ва иссиқхона барпо қилиш бўйича ариза берилган лойихани амалга ошириш субсидия олингандан сўнг 12 ойдан ошмаган муддатда якунланиши лозим.

23. Агентлик туман (шаҳар) ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан биргаликда ушбу Низомнинг [22-бандида](#) белгилangan муддат ўтгач икки ой мобайнида лойиха ташабbускорлари томонидан шартномада кўрсатилган параметрлар лойиха ташабbускори томонидан бажарилгани ёки бажарilmagani тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

Мониторинг якунлари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ва Агентлик вакили томонидан имзоланадиган шартномада кўрсатилган параметрлар лойиха ташабbускори томонидан бажарилгани ёки бажарilmagani тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

24. Субсидия олингандан сўнг 12 ой давомида интенсив боғ ва иссиқхона барпо этиш бўйича шартнома шартлари бажарilmagani тақдирда ажратилган субсидиялар Агентликнинг маблағларни қайtarish ҳақидаги хабари олинган кундан эътиборан бир ой мобайнида Агентлик ҳисобрақамига қайtarib берилиши лозим.

Агентлик лойиҳа ташаббускорини ушбу Низомнинг 23-банди **иккинчи хатбошида** кўрсатилган далолатнома имзоланган кундан эътиборан 10 иш куни мобайнида ажратилган субсидияларни қайтариш ҳақида хабардор қилиши шарт.

Бунда лойиҳанинг бажарилмаган қисмига тенг бўлган субсидия суммаси қайтарилиши лозим.

6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисбот бериш, назорат қилиш ва жавобгарлик

25. Агентлик ҳар бир йўналиш бўйича Жамғарма маблағлари тушиши ва ҳаракатининг алоҳида ҳисобини юритади.

26. Агентлик директори ва бош ҳисобчиси Жамғармага келиб тушган маблағлар ва уларнинг сарфланишига оид бухгалтерлик ҳисобини юритиш, ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этишни тўғри олиб боришга жавобгардир.

27. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25 санасигача ҳар чоракда, йиллик ҳисбот эса кейинги йилнинг 30 январидан кеч бўлмаган муддатда тақдим қилинади.

28. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган ва лойиҳа ташаббускорларига ўтказилмаган маблағлари кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

29. Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиш ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

31. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги **НИЗОМГА**

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши

ТАРКИБИ

- | | | |
|------------|---|---|
| Ходжаев | — | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, <i>Кенгаши раиси</i>
Ж. |
| Нажимов | — | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
директори, <i>Кенгаши раисининг ўринбосари</i> |
| Киргизбоев | — | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
Ф. башқармаси бошлиғи |
| Сафаров | — | «Ипак йўли банк» АТБ башқаруви раиси ўринбосари
М. |

- Пўлатов Ж. — Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
- Абдуллаев Т. — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директорининг ўринбосари, *Кенгаши котиби*

Изоҳ. Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги **низомга**

2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси субсидиялари ҳисобига
лойиҳаларни молиялаштириши**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Лойиҳа ташаббускори	<p>1. Субсидияларни олиш имконини кўриб чиқиш учун барча зарур хужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) хужжатларни тақдим қиласди.</p>	Ташаббус кўрсатиши тартибида
II босқич	Агентлик	<p>Ташаббускорнинг мурожаат ва хужжатларини кўриб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига субсидиялар бериш бўйича Кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан кўриб чиқиш учун киритади.</p>	3 иш куни мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
III босқич	Кенгаш	Агентлик томонидан тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқади.	1 ой мобайнида
IV босқич	Агентлик	Ташаббускорни Кенгаш томонидан субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қиласди.	Қарор қабул қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида
V босқич	Агентлик, лойиха ташаббускори	Лойихани амалга ошириш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномани тузади.	Кенгашнинг ижобий қарори қабул қилингандан сўнг 3 иш куни мобайнида
VI босқич	Агентлик	Субсидия ажратиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилгандан сўнг маблағлар лойиха ташаббускорининг тижорат банкида очилган маҳсус 22626 хисобвараfiga ўтказилади.	Шартнома шартларига мувофиқ
VII босқич	Лойиха ташаббускори	1. Маблағлардан қатъий равища интенсив боғ ва/ёки иссиқхоналарни яратиш, томчилаб (ёмғирлатиб) суғориш технологиясини жорий қилиш ва/ёки бурғилаш қудуқларини қуриш учун белгиланган мақсадда фойдаланади. 2. Лойихани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар қиласди.	Шартнома шартларига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Янги интенсив боғ ва иссиқхона яратиш лойихаси тўғрисида

МАЪЛУМОТ

1. Лойиха ташаббускори: _____
2. Яратиладиган интенсив боғ ва иссиқхоналарнинг умумий майдони: _____ га.
3. Лойиха амалга оширилаётган жойнинг манзили: _____.
4. Мевали дараҳт (ёки иссиқхонада парваришиланадиган маҳсулот) тури ва навини ўтқазиш режаси: _____ га
(масалан, олма — 50 га, гилос — 10 га, беҳи — 10 га).
5. Лойихани амалга ошириш муддати: _____ (масалан, 2019 йил кузи).

6. Яратиладиган иш ўрни: ____ киши.

7. Лойиҳанинг умумий қиймати — _____ млн. сўм ёки _____ АҚШ доллари, ундан:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм, шундан:	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		Тижорат банклари кредитлари, жумладан, Жамғарма ресурслари хисобига
			Лойиҳа ташаббускорларининг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси субсидиялари	
1.	Агротехник тадбирлар (жумладан, ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш)				
2.	Тупроқка минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
3.	Мевали дарахт (ёки кўчат) ниҳолларини харид қилиш ва уларни ўтқазишни ташкил қилиш				
4.	Сув чиқариш учун бурғилаш қудуклари қуриш				
5.	Томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш				
6.	Бошқа харажатлар				

ЖАМИ:

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб биз янги интенсив боғ (ваёки иссиқхонани) яратиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот
раҳбари

(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Изоҳ. Лойиҳалаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилмаган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.06.2019 й., 09/19/481/32696-сон)